

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 79 (6821)
1997 йил 11 октябрь шанба

Сотувда эркин
нархда



«ГУНЧА»ДА ГУНЧАЛАДИ

Ўқитувчим Гулчехра,
Жудаям очиқ чехра,
Ҳеч қачон «ўл» демайди,
Баҳонинг «ноль» демайди, —
деб ёзибди бешинчи синф
уқувчиси Орифжон Расулов.
Унинг эринмай узи тузган
«ГУНЧА» номли шеъринг даф-
тарини варақладим:

«Икки қўйса ҳам майли,
Бизлар хурмат қиламиз.
Дуо қиламиз доим,
Мингга кирсин илойим», —
деб турган уқувчиси билан
қайси устоз қувонмайди?

Орифжон атрофдаги воқеа-
ларга жиддий қарайдиган бо-



ла. Фанларни яхши узлашти-
риши шу «Гунча» дафтаридан
ҳам гунчалаб турибди. Имло
хатолар йуқ. Сузлар уз урнида
ишлатилган. Унга оқ йул
дейман. Беш-ун йилдан кейин
сенинг ойдин йулинг катта
ижод майдони сари тушгани
рост булсин!

Гулчехра ҲАКИМОВА

Мактуоблар КЎТИСИ

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Бугун бизнинг мактабда
Қўшалок байрам бўлди.
Билимдонлар маскани
Қаранг, беш ёшга тўлди!

Вилоятда ягона
Мактабга ҳамма қойил.
«Лекция»лар шарт эмас,
Ахлоқ-одобга доир.

Хоналари чиройли,
Чиройли хулқимиздек.
Ҳамма иши ҳисобли,
Мактаб ўз мулкимиздир!

Вилоятда танишар,
Уни тан олиб ҳозир.
Мактаб номин дунёга
Бизлар танитсак арзир!

БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМ

Ўқувчим деб севдингиз,
Еру кўкка ишонмай.
Меҳрингизни бердингиз
Бору йўққа ишонмай.
Биз ҳам хурсанд бўламиз,
Шу мактабда юрсангиз.
Ҳар куни синфимизга
Сиз жилмайиб кирсангиз.
Муаллим, кеча сизни
Ўйлаб хаёлга толдим.
Топширар кимга бизни
Деб қийналиб ҳам олдим.
Муаллим, сиз мактабда
Мусобақа ўтказинг.
Сиздан ким устун келса
Бизни унга тутқазинг.
Илмингизга қойилман,
Ўтиринг балад тахтга.
Доим соғ-омон бўлинг
Ёш авлодлар бахтига.

**Ориф РАСУЛОВ,
5-синф ўқувчиси**



168 ўқувчининг 60 нафари «ТОНГ ЮЛДУЗИ»га обуна бўлди!

Мустақилликка эришган диёримизда янги турдаги
мактаблар дунёга келди. Туманимиздаги инглиз тили
чуқур ўқитиладиган мактабимиз бу йил беш ёшга
тулади. Ўқувчилар— саводли. Бунга сабаб — уларнинг
газетхонлиги. 1998 йил «Тонг юлдузи» обунаси учун
шахсан ўзим шуғуллана бошладим. Чунки 1997 йил
обунаси бизни қониқтирмади. Сабаби, 400 мактаб бор
вилоятда бор-йўғи...

Газета — ақл кузгуси. Унда ёш ижодкорлар нималар-
га қодир эканликларини баён қиладилар.

Ўқувчиларимиз турли вилоятлардаги тенгдошлари-
нинг ижоди, иқтидори билан таништириб боришни
айнан уз газеталари — «ТОНГ ЮЛДУЗИ»дан кутади-
лар!

Бу сонда мактабимизнинг 5-синф ўқувчиси
Орифжоннинг шеърларини эътиборингизга ҳавола
қилипман. Унинг илк қадами қутлуг булсин!

**Шукрулло РАСУЛОВ, Сирдарё вилояти, Оқ олтин
туманидаги 28- мактаб директори**

—Обуна мавсумида не-
га «Тонг юлдузи»га обуна
булмайсиз? Уз газетанг
— «Тонг юлдузи»ни уқи-
масанг, қайси газетани
уқийсан?

Ҳа, рост! Газетамизни
уз вақтида уйимизга кел-
тириб беришмагани са-
бабли, биз икки йилдан

уқувчилари ҳам, серқат-
нов кучадан утадиган йу-

ҲОРМАНГ, ГАЗЕТАЧИ АМАКИ!

бери «Тонг юлдузи»га обу-
на булмаймиз. Яна бир
сабаби — Навоий шоҳқу-
часидаги катта 30-бино
енида, аниқроғи, бизни-
нг мактабимиз яқинида
газета ва журналлар сота-
диган дуконча бор. Уша
дукончадан уни сотиб
олишга урганганмиз. Уйи-
мизда «Тонг юлдузи»ни-
нг сунгги икки йиллик
тахламлари бор! Биз бу
ерда ишлайдиган газета-
чи амакидан жуда мин-
натдоримиз. Бу дуконча-
дан ҳамма — мактабимиз

ловчилар ҳам истаган га-
зетасини топиб, сотиб
олиши мумкин. Шунинг
учун ҳамма газетачи ама-
килар, аниқроғи, газета
сотиб утирадиган кички-
на дукончадагилар бизни-
нг амакимиздан ибрат
олишсин. Севимли бола-
лар газетаси уз дукончала-
рида булиши кераклиги-
ни ҳар доим уйлаб, бунинг
уддасидан чиқиб юра-
дилар.

**Опа-сингил Нафиса ва
Мадина ҚОДИРОВАлар,
Тошкентдаги 59-
мактабнинг 4-5- синф
ўқувчилари**



«ЗИРАПЧА»ГА «5» БАҲО

Тошкент тумани халқ таълими бўлими мудирини Ўткир Маҳмудов билан қисқа мулоқот

— «Муаллим эккан ҳосил — келажакнинг меваси», дейишади. Сиз бунни қандай тушунасиз?

— Деҳқон уругни ерга қадаган кунни ҳеч эсдан чиқармаганидек, ҳақиқий унутилмас ҳаёт ҳам мактаб партасидан

бошланади. Муаллим устирган ниҳоли ҳосилга кирганда қалбига чулганган фахр туйғусини ҳеч нима билан улчаб бўлмайди.

— Ўткир ака, сиз ҳам бир вақтлар бола бўлгансиз... Ўша пайтларда ҳам

сиз тенгилар газета ўқирмиди?

— У пайтлар ўқиганимиз ҳозир «Тонг юлдузи» бўлиб чиқаётганини билганим учун газетанинг ора-сира қўлимга тушиб қолса, қувноқ болалигим эсимга тушади. Баъзида унинг ўткир танқидий нигоҳи биз томонларга купроқ тушмоқда. Биз узимизни унглашга ҳаракат қиляпмиз.

— Тумандаги мактаблар ҳақида икки оғиз...

— Очиғи, мослашган мактабларимиз куп. 16



КАТТА ТАНАФФУС

минг 140 уринли мактабларда 26889 нафар ўқувчи таълим олмоқда. 1673 нафар ўқитувчимиз бор. Мактабларимиз газлаштирилган. Жуда куп мактаб синф хоналарининг ойналари таъмирга муҳтож. Бултур Бўстонлиқ туманидаги ойна ишлаб чиқариш заводига бир миллиондан ошиқроқ пул ўтказган эдик. Аммо, ҳали ҳам маҳсулот ололмапмиз.

— «Тонг юлдузи» ҳақида фикрларингиз...

— «Зирапча»га муаллим сифатида жоиз булса «5» баҳо қўяман. Уйлайманки, бу йил туманимизда ҳам унинг ўқувчилари купайса купаядики, камаймайди. У болаларимизнинг ақлғуй дустидир. Сизларга ижодий ютуқлар тилайман.

Сайид ОЛИМ
суҳбатлашди



Алифбони энди мен
Ҳеч қийналмай ўқийман

Мен туманлар уртасида ҳамшиша голиб деб топиладиган бир мактабни билардим. Шу мактабга узоқ яқиндан машҳур кишилар ташриф буюриб туришарди. Эсимда, уша куни тунни билан ёққан ёмғир эр-

адабиётга қизиққаным учун шу кунги жамики ишларимни бошқа кунга қолдирдим. Бир-икки узим тенги дустлар билан «мактаб, қаердасан» деб йулга тушдик.

Бу мактаб ҳақида жуда

Мунозара

урил-қизлари синфком бошчилигида юз-қулларини туш ёрдамида кук холлар билан «безаган» эмиш...

Яна эмишки, мактаб

СИНФКОМНИ ВАЗИФАСИДАН НЕГА ОЗОД ҚИЛИШДИ?

талабгача ҳам тинмади. Айниқса болалар мактабга кетаётган маҳали кучайган эди. Уша куни бутун қишлоққа шов-шув тарқалди: «Тошкентдан таниқли санъаткорлар келармиш...» Мен санъат,

куп эшитган эдим, лекин шу кунгача мактабни ичидан курмаган эдим. Мактаб ҳақиқатан ҳам чиройли экан.

Биз мактабга кириб борганимизда зал тулиб, учрашув бошланган эди. Биз ён синфлардан узимиз учун стуллар олиб чиқиб жойлашиб олдик. Учрашув қизигандан қизиди. Улар узларининг ижодларидан намуналар курсатишди, келгуси режалари ҳақида гапириб, утирганларни хушнуд этишди. Санъаткорларнинг яна бир томони бизни узига тортди. Уларнинг юзларида, қулларида қандайдир кук холлари бор эди. Бу болаларнинг ҳам нигоҳидан четда қолмаган экан. Шу учрашувдан 10-15 кун ўтгандан сунг мактаб ва қишлоқда «миш-миш» тарқалди, эмишки, 8 «А» синфининг

маъмурияти йиғилиш қилиб, синфкомни вазифасидан озод қилган эмиш. Синфком менинг энг яқин уртоғимнинг синглиси булиб чикди.

Бир куни уртоғим билан уйларига бордик. Олдимишга чой олиб кирган дустимнинг синглиси негадир қулларини орқасига, куйлаги орасига яширди...

Болалар, балки унинг кимлигини Сиз ҳам танигандирсиз?

Балки Сизнинг ҳам орангизда бугун юз-қуллига кук хол қилиб, эртасига қулларини қаерга яширишни билмай юрган болалар бордир. Агар булса, бу яранинг олдини олишга ҳаракат қилинг. Ён-верингизда шунга ухшаган ўқувчилар булса, маслаҳат беринг, бу ҳақда уйлаб куришсин.

Хусниддин КОДИРОВ,
Наманган вилояти

НАМУНАЛИ МАКТАБ БЎЛДИК

Мактабимиз 4-5 йил ичида уз қиёфасини узгартириб, намунали даргоҳлар қаторига кирди. Барча синф хоналари, йулақлар миллийлик ва замонавийлик билан уйғунлашган ҳолда қайта жиҳозланди. Деворий газеталар, кургазмали қуроллар лотин алифбосида ёзилган. Айниқса мактабнинг иккинчи қаватига чиқсангиз эртақлар оламига киргандек буласиз. Чунки у ерда «Эртақлар— яхшиликка етаклар» мавзусида мактаб ўқувчиларининг узлари чизган эртақ қахрамонларининг расмлари илинган.

Мактабимизда сартарошхона, оёқ кийим тузатиш устахонаси ҳам ишлайди. Бизда фақатгина мактабни безатиш ёки жиҳозлаш эмас, балки ўқишга, одоб-ахлоққа, интизомга ҳам катта аҳамият берилади. Ҳар ҳафтанинг охирида ўқувчиларнинг узлаштириши ва интизоми ҳақида ҳисоботлар утади. Ҳисобот голибларига мактаб маъмурияти томо-

нидан раҳматнома билдирилади. Бундай тadbирларнинг натижаси тез кунда узини курсатди. 11-«В» синфидан Гули Қурбонова, 9-«В» синфидан Даврон Аллабергановлар математика фани буйича вилоят олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Биз ҳам синф раҳбаримиз, олий тоифадаги ўқитувчи Онахон опа Хужаева бошчилигида синфимизнинг доимо озода ва тартибли булишига ҳаракат қиламиз. Синфимиз доскаси ёнига Ўзбекистон давлат рамзлари туширилган расмлар илинган. Уртада эса синф шиори— «Доимо аъло ўқиймиз» деб ёзиб қўйилган.

Қисқаси, биз уз мактабимиз билан фахрланамиз ва унга лойиқ булишга ҳаракат қиламиз.

Гулмира ТЎРАЕВА,
Муяссар ЭГАМОВА,
Хоразм вилояти, Боғот туманидаги
Йўлдош Охунбобоев номи
мактаб ўқувчилари

Фахр

Ҳаёт бўлганларида Қуддус Муҳаммадий эртага 90 ёшга кирардилар

Қуддус Муҳаммадий китобларини варақлаб, шеърларини уқиб утирар эканман, устознинг оталарча меҳрибон нигоҳи, тўлқинланиб гапиришлари, мулоим табассумлари кўз унгимда намён булаверади.

Қуддус аканинг узларига хос феъл-атворлари, туриш-турмушлари, олижаноб қалблари шеърларига кучган-қуйган.



Қуддус Муҳаммадий олтимиш йил ижод қилиб, ўзбек болалар адабиётини бойитдилар. Унинг обрўига обрў қушиб, довругини оламга таратиб, эл хурматига сазовор бўлдилар.

Қуддус ака ҳақида уйласам, хотиралар уз-узидан қуйилиб келаверади. 1970 йиллар эди... Мен янги шеър ёзгудай бўлсам, устознинг уйларига ошиқардим. Қуддус аканинг уйлари Тошкентдаги 150-мактабнинг дарбозасига шундоқ рубару, болаларнинг шўх, шовқин-суронлари, бақирёқ-чақирёқлари шоирнинг уйларига бемалол эшитилиб турарди. Мен ҳар гал борганимда устоз гоҳ шоирлар, гоҳ олимлар, гоҳ оқшом чоғлари мактаб қоровули Тухтамурод амаки билан суҳбатлашиб утирардилар. Тухтамурод амаким билимдон, зукко таъб, юзидан нур ёғилиб турадиган фариштадай одам эди. Адабиётни нозик тушунарди. Қуддус аканинг соатлаб у киши билан гаплашиб утиришлари бежиз эмасди.

Шундай суҳбатларда Қуддус ака бирдан ён дафтари кидириб қолар ёки «хе йўқ, бе йўқ» югуриб уйга қириб кетардилар.

— Устангизнинг илҳомлари келди, — дерди Тухтамурод амаки кулиб. Билмадим, шоирларнинг оҳанграбоси буладими, устангиз билан гаплашган сарим гаплашгим келаверади.

Орадан кўп вақт ўтмай, Қуддус ака хогиржам ҳолда уйдан чиқиб келарди.

Қуддус ака одамлар билан суҳбатлашганда ҳам, уқувчилар билан учрашганда ҳам, ёз оқшомлари сулим ва сокин кучаларда сайр қилиб юрганимизда ҳам, хаёллари фақат бир нарсада — шеърда буларди. Шеър излардилар ёки чала шеърни битириш пайида юрардилар. Кўп кузатганман, Қуддус ака шеър ёзганда баъзан ёни-

даги одамни ҳам унутиб қўяр, учирар, уйлар, яна ёзардилар.

Мен эски алифбода битилган сатрларни ўқий олмасамда, ҳалал бермаслик учун қимир этмай утирардим. Шеър битгач, Қуддус ака бирдан ййраб, очилиб кетарди, «ялт» этиб менга қараб, «эшитинг» дердилару, мароқ билан шеър ўқишга киришардилар.

Қуддус ака шеър ёзишга тугиндилар. Мусича баҳона ялқовлик, ношудлик, беҳуда жанжал қораланади.

Қуддус аканинг шеъри одамлар орасида тугилиб, одамлар қалбидан жой олади.

Кунларнинг бирида «Ғунча» журналининг маъсул котиби Маҳмуд Муродов кўнги-роқ қилиб:

— Қуддус ака, бизга темир-терсақларни ййгиш ҳақида бир шеър ёзиб берсангиз, — деб илтимос қилади.


— Хўп уриниб кўраман, — розилик билдиради Қуддус ака.

Уйлаб юриб, бир кун Қуддус ака шеър ёзишга утирадилар. Аммо шеърнинг биринчи қораламаси узларига ёқмайди. Қандай қилиб шеърни қизиқарли, таъсирчан қилиш мумкин? Темир-терсақ ҳаётимиз-

ойга чиқибди» каби асарларнинг ёзилганига ярим аср бўлиб қолди. Аммо бу шеърлар худди бугун ёзилгандай жаранглаб уқувчини узига тортиб туради. Қуддус Муҳаммадий катта маҳорат эгаси бўлиш билан бирга уқувчиларнинг феъл-атворини, қизиқишларини жуда яхши биладилар.

«Уқитувчилик касби мени болалар дунёси билан яқинлаштирди, уларнинг юрагини ургатди, мени болалар шоири қилиб етиштирди», дегандилар устоз.

Қуддус Муҳаммадий умр буйи қўлдан қаламни қўймай, ижод билан шугулландилар. Олтмишдан ортиқ китоблари нашр қилинди. «Уқувчига эсдалик», «Шеър ва эртақлар», «Орзу», «Баҳор келди», «Қирқ угил, қирқ қиз», «Янги уй», «Она-бола меҳри», «Жу-



меҳр лойидан пайдо булади. Кимки шеърни шунчаки бир ҳавас деб уйласа, янглишади. Ҳаётда мавзу кўп, фақат уни кўра билиш керак. Шоир бўлиш учун ёлғиз табиий икки кўзнинг ўзи етмайди. Кўнгиладан, ондан уткир ойнаи жаҳон кўз очилиши керак».

Қуддус Муҳаммадий шеърлари равон, қувнок, халқ оҳангларига яқин. Чунки шоир бир неча йил машҳур халқ бахшиси Ислон

Хотира

БОЛАЛАРНИНГ БОБО ШОИРИ

Устоз кичик бир тугмача ёки кўримсиз бақа, чувалчанг ҳақида ҳам чиройли шеърлар ёзиб, оддий нарсаларни ҳам жонлантириб, уйнатиб юборардилар.

Мактаб қоровули Тухтамурод амаки ҳақида ҳам шеър ёзиб, уқиб берганларида, амаки ҳаяжонланиб, «тасанно, тасанно» деган эди.

«Менимча, шоир суздан одам ясовчидир, шоирнинг ясаган шеърий одами ҳатто жонли одамдан ҳам уткир бўлиши керак», — дердилар Қуддус ака.

Қуддус ака хонага кирволиб «энди нимани ёзсам экан» деб шеър ёзмасдилар. Ҳар бир асарлари ҳаёт тақозоси, дустларнинг туртки ва талаби билан яратиларди. Мен кўпгина шеърларнинг ёзилиш тарихига гувоҳ бўлганман.

Ҳовлида Ёдгор бахши, Қуддус ака ва камина учов суҳбатлашиб турган эдик. Шу пайт мусичалар патир-путур уришиб қолишди.

— Мусичалар нега уришар экан-а? — деди қўшларни кўзатиб турган Ёдгор бахши Қуддус акага мурожаат этиб.

Қуддус аканинг касблари биолог, дов-дарахт ва қўшлар ҳаётини яхши биладилар. Янглишмасам, қўшлар ҳақида қирқдан ортиқ шеър ёзганлар.

— Негалигини ҳозир эшитасиз, шоир, — дедиларда,

га керак, уни ййгинг, деган қуруқ насиҳат болаларнинг қулогига кирармиди? Шундай шеър ёзиш керакки, уни уқиб болаларнинг узлари ҳаракатга тушиб кетсин.

— Бор тажрибамни ишга солдим, — дейдилар Қуддус ака. — Аммо нимадир етишмас, шеър ҳадеганда узини курсатмас эди. Мактабларда бўлиб, болаларнинг темир-терсақ ййгиш манзараларини кўзатдим. Болалар билан савол-жавоб қилишдик. Уйга келиб, эртақлар китобини варақлаб утирган эдим, шеър яна юрагимда тугён ура бошлади, уни қозоғга туширдим. Бир-икки марта оққа кучиришим билан шеър чехра очди, болалар орасида уқиганимда уларга маъқул тушди.

Шоир ҳар янги асар ёзганида қайта тугилади, деб бежиз айтишмаган. Темирларга жон кириб, то улар ййргалаб рақсга тушиб кетмагунча Қуддус ака уни қайта-қайта ишладилар.

Уқувчиларнинг узидан олиниб, яна узларига қайтарилган бундай ҳаётий, бадий пишиқ шеърларнинг умри узок бўлиши табиий.

«Темирлар уйини»га ухшаш боқий шеърлар шоир ижодида кўплаб учрайди. «Дум», «Дунёда энг кучли нима?», «Бизнинг кўз», «Тугмача», «Баркашон», «Эркинжон



Сураткаш Р.АЛИБЕКОВ

да қизиқ, жуда чиройли», «Донно бобонинг неварачеваралари», «Қандай бўлмоғим керак?» каби беш китобдан иборат «Табиат алифбеси» шоир ижодининг чўққисидир.

Қуддус Муҳаммадий уз шеърлари билан ўзбек болалар адабиётининг обрўига обрў қўшган, унинг довругини оламга таратган, эл хурматини қозонган шоирдирлар.

«Шеър — юракнинг гўнча очиши, гуллаши ва мева тугишидир, — деган эдилар Қуддус ака бир суҳбатда. — Билишимча, шеър — оламнинг, одамнинг жон озиғи. Шеър зехн мойидан, қалбимизнинг

шоир билан бирга бўлиб, унга котиблик қилдилар. Халқ ижодининг бой мероси билан танишиш уз ижодий таъсирини курсатди.

Қуддус ака адабиётга фақат қалам тутиб кирган эмас, балки қатор-қатор шоғирлар орттирган пиру бадавлат устоз. Қуддус ака узок йиллар мактабларда, кашшофлар уйида адабиёт тугарагини бошқариб, бугун умрларини, бугун кўчларини ёшларга сабоқ беришга бағишладилар. Ёшлар юрағида адабиётга бўлган ҳавасларини орттириб, илҳомларини қанотлантирдилар. Бугунги кунда халқимизнинг севимли шоир ва ёзувчиларига айланган Пулат Мумин, Қудрат Ҳикмат, Зоҳиджон Обидов, Султон Акбарий, Миразиз Аъзам, Дадахон Нурий, Тоҳир Малик каби жуда кўп ижодкорларнинг шу тугарақда қаламлари пишган.

Мен ҳам Қуддус ака тугарағига қатнашганман. Шеърларим матбуот юзини куришида устознинг хизматлари катта. Биринчи китобимни таҳрир қилиб, унга сузбоши ёзиб, нашр этилишига бош-қош бўлганлар. Меҳри дарё Қуддус ака жуда кўп ёшларни нашриёт ва таҳририятларда орқаларидан эргаштириб юриб, асарлари нашр этилишида ёрдам берганлар. Эртага Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат Мукофоти совриндори, болажонларнинг ардоқли шоири Қуддус Муҳаммадий таваллуд топганларига 90 йил тулади.

Қуддус аканинг узлари орамизда йўқ бўлсалар ҳам, ёзиб қолдирган китоблари, сузлари биз билан доимо биргадир.

Рауф ТОЛИБ



